



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ТЕРГОВ ХИЗМАТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Аслонов Файзулла Нодиржон ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 313-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17531141>

ARTICLE INFO

Received: 1st November 2025
Accepted: 2nd November 2025
Published: 5th November 2025

KEYWORDS

Профилактика
инспектори, тергов хизмати,
ҳамкорлик, жиноятларни
олдини олиш, идоралараро
ҳамжиҳатлик, ахборот
алмашинуви.

ABSTRACT

Мазкур мақолада профилактика инспектори фаолиятида тергов хизмати билан ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари ёритилган. Шунингдек, жиноятларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабабларини бартараф этишда идоралараро ахборот алмашинуви, тезкор ҳамкорлик ва профилактик чораларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар келтирилган.

Ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш масаласи мамлакатда ижтимоий барқарорлик, фуқаролар хавфсизлиги ва давлат ҳимояси кафолатини таъминлашда устувор аҳамиятга эга. Бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, инсон хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини бартараф этиш ва ички ишлар органлари фаолиятини замонавий рақамли бошқарув тамойилларига мувофиқлаштиришга қаратилган [1].

Бугунги кунда профилактика инспекторининг тергов хизмати билан ҳамкорлигини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бу борада мустақил изланувчи Ҳ.Қ. Бабаханов [2] мақоласида шундай таъкидлайди “Қисқача қилиб айтганда, юртимизда фуқароларнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, бошқа муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли ҳаракатлар бошлангани ва янги тизим яратилгани ижобий натижалар бермоқда. Ички ишлар органлари профилактика хизматлари тизимида амалга оширилган ислохотларда мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий ва моддий техник база яратилди, профилактика инспектори ғоят масъулиятли ва шарафли касбга айланди” [2, 71-78 б].

Ички ишлар органлари тизимида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда тергов хизмати ва профилактика инспекторлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим рол ўйнайди. Тергов хизмати жиноятларни тергов қилиш, сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш

билан шуғулланса, профилактика инспектори жиноят содир этиш ёки жабрланиш эҳтимоли бўлган шахслар билан манзилли иш олиб боради ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилади. Шу боис, уларнинг уйғун фаолияти ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва олдини олишнинг асосий механизми ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ички ишлар вазирлиги тизимида рақамли ислохотлар амалга оширилди, бу эса тергов ва профилактика бўлинмалари ўртасида ҳамкорлик имкониятларини сезиларли даражада кенгайтди. Хусусан:

1. **“E-ma'muriy ish”** ягона электрон иш юритув тизими Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 431-сон қарори асосида жорий этилди. Унинг мақсади — маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни бирлаштирилган ва автоматлаштирилган тарзда юритиш, фуқаролар ва органлар ўртасида тезкор ахборот алмашинувини таъминлашдир [3].

2. **“E-ijtimoiy profilaktika”** ахборот тизими Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги 801-сон қарори билан ишга туширилди. У маҳалларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ўртасида маълумот алмашиш ва ҳамкорлик қилишни электрон шаклда таъминлайди, шу орқали жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликлар хавфини барвақт аниқлаш имконини яратади [4].

3. **“Электрон жинойий-ҳуқуқий статистика”** тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги ПФ-5566-сон Фармони [5] ва 2021 йил 29 мартдаги ПФ-6196-сон Фармони талабларига асосан ташкил этилди. У жиноятларни тизимли таҳлил қилиш ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан профилактик чора-тадбирларни мувофиқлаштиришни автоматлаштириш имконини беради [6].

Шу билан, мазкур электрон тизимлар орқали тергов ва профилактика бўлинмалари ўртасида тезкор ахборот алмашинуви, маълумотларни таҳлил қилиш ва профилактик чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди ва уларнинг ҳамкорлиги самарадорлиги сезиларли даражада оширилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги **ПҚ-105-сон қарори** асосида ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизими жорий қилинди. Бу тизим суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини рақамлаштириш, уларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорлик қилиш имконини беради [7].

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ҳали тўлиқ интеграция қилинмаганлиги сабабли, дастлабки тергов органлари жиноятлар ҳақидаги маълумотларни қоғоз шаклида кўриб чиқишга мажбур бўлади. Бу эса маълумотларни ўз вақтида олиш имкониятини чеклаб, жиноятни тезкор ва тўлиқ фош этиш, ҳамда иш бўйича исботланиши талаб қилинадиган ҳолатларни ҳар томонлама текширишда тўсиқ яратади.

Шунингдек, юқоридаги электрон тизимлар профилактика инспекторлари ва тергов хизматининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, маълумот алмашинуви ва профилактик чора-тадбирларни мувофиқлаштиришда асосий восита ҳисобланади.

Тергов департаменти нафақат жиноятларни тергов қилиш, балки уларнинг ҳолати ва тенденцияларини таҳлил қилиш, келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича профилактик тавсиялар ишлаб чиқиш билан ҳам шуғулланади. Бу жараёнда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик аҳоли орасида ҳуқуқий онгни ошириш, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан индивидуал иш олиб бориш ва жиноятчилик хавфини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода, профилактика инспектори ва тергов хизмати ўртасидаги ҳамкорлик нафақат жиноятларни тезкор фош этишда, балки уларнинг содир этилишига имкон

берувчи ижтимоий ва ҳуқуқий омилларни бартараф этишда ҳам стратегик аҳамиятга эга. Ушбу ҳамкорликнинг ҳуқуқий, ташкилий ва рақамли жиҳатларини такомиллаштириш мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали амалга ошириш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Қадамович Б. Ҳ., Рахимов Т. М. Ў. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 71-78.
3. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 431-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги 801-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги ПФ-5566-сон Фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 мартдаги ПФ-6196-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПҚ-105-сон қарори.

INNOVATIVE
ACADEMY